



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан
Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 29 апрель кунин давлат
ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз қўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустақамла-ниб бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўсарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортиди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон шоҳсула-га кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қорувул сафи олдида ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доира-да учрашув ўтказди. Дўстона ва очиклик руҳида ўтган мулоқотда Ўзбекистон билан Туркия ўрта-сидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илм-фан, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Туркия Президентини са-мимий қўллаб, мамлакатларимиз муносабатла-ри ривожда муҳим сиёсий воқеа бўлган ушбу ташриф ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётгани-нинг далолати эканини таъкидлади.

— Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янги стратегик босқич-га кўтарилди. Ўзаро саъй-ҳаракатлар туфайли товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даража-да ўсди. Имзоланган ҳужжатлар самарасида халқларимиз ўртасидаги борди-келди енгиллаш-ди. Олий даражадаги навбатдаги музокаралар халқларимиз манфаатига хизмат қилаётган ушбу эзгу ишлар суратини янада оширишга ишон-чим комил, — деди Шавкат Мирзиёев.

Режеп Таййип Эрдоғон давлатимиз рах-барига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини ма-муният билан қайд этди.

— Туркия ва Ўзбекистон тарихи буюк, урф-одат ва анъаналари муштарак, энг яқин дўстлар сифатида танилган. Халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини доимо қўллаб-қувват-лайди. Бугунги музокаралар ушбу дўстлик ришта-ларини яна бир поғона юқорига олиб қиқишга ишонаман, — деди Режеп Таййип Эрдоғон.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги икки то-мон учун ҳам манфаатли. Мамлакатимизнинг бозори, тобора эркинлашаётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити Туркияни қизиқти-ради. Ушбу мамлакатнинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ ҳўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекис-тонга фойда келтиради.

Давлат раҳбарлари 2017 йил 14-май кунин Пекинда ўтган «Бир макон, бир йўл» форуми, ўша йилнинг 10 сентябрь кунин Остона шаҳрида бўлган Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида му-зокаралар ўтказди. Шунингдек, сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассам-блеясининг 72-сессияси доирасида учрашди.

Президентимизнинг 2017 йил октябрь ойи-да Туркияга давлат ташрифи икки томонлама дўстона муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Ташриф давомида икки давлат раҳбарла-ри Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг мавжуд ҳолати ва истиқболларини батафсил муҳокама қилдилар. Имзоланган Қўшма баёнот ўзаро ҳам-корликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишда энг муҳим ҳужжат бўлиб ўтди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эт-тирдилар.

Музокарада савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалар-даги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажми ва унинг таркибини кен-гайтириш бўйича ижобий ўзгаришлар алоҳида қайд этилди.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерик-ларидан биридир. 2017 йилда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 30 фоиз-га ортиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 20 фоизга ўсиб, 400 миллион долларга етди. Яқин йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард дол-ларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар юзасидан келишиб олинди.

Рангли металллар ва улардан тайёрлана-диган буюмлар, мева-сабзавот маҳсулотлари,

хизматлар, азот ўғитлари, нефтни қайта ишла-дан олинган маҳсулотлар мамлакатимизнинг Туркияга асосий экспорти бандларини ташкил этади. Ўз навбатида, мамлакатимиз пардоз-ан-доз буюмлари, турли механик ва электрон уску-налар, пластмасса ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, тери ошлаш ва бўяш воситалари-ни импорт қилади.

Ўзбекистон Туркия бозорига енгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик, электротех-ника, чарм-пойабзал ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсу-лотлари экспорт қилишни кенгайтиришга тайёр. Бу борада Истанбул шаҳрида очилган Ўзбек — Турк савдо ўйи имкониятларидан кенг фойдала-ниш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорлиқни мустақамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукумат-лараро комиссия ҳамда Ер усти юк ташувлари тўғрисидаги келишувларга мувофиқ тузилган Халқаро автомобиль ташувлари масалалари бўйича қўшма комиссия бу йўналишдаги алоқа-лар ривожига салмоқли ҳисса қўймоқда.

«Боку — Тбилиси — Карс» темир йўли ўзаро савдо алоқалари учун улкан имкониятлар ярати-ши қайд этилди. Шу жиҳатдан транзит тариқла-рини янада мақбуллаштириш муҳимлиги таъкид-ланди.

Ўзбекистонда 1993 йилдан буён ваколатхо-наси фаолият қўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) саъй-ха-ракатлари ҳам юқори баҳога лойиққидир. Ўтган давр мобайнида ушбу агентлик тиббиёт ва таъ-лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўнал-тирилган қатор лойиҳаларнинг ҳаётига таъбиқ эти-лишида фаол қатнашди.

Музокараларда ҳали фойдаланилмаган им-кониятлар қўлиги, ушбу ташриф икки мамлакат вазирилик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат баҳш этиши таъкидланди.

Икки мамлакатда ҳам харидорғир бўлган юқо-ри қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамко-рлиқни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳаж-мини муттасил ошириб бориш ва диверсифика-ция қилиш бўйича яқил фикр билдирилди.

Ўзбекистонда Туркиянинг етакчи компания-лари иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳа-ларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисо-дий ва кичик саноат зоналарида минерал ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлари бундан кейин ҳам рағбатлантириб борилиши қайд этилди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни жадал-лаштиришда миллий авиакомпанияларимиз ўр-тасида шерикчилик муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа-компанияси томонидан ўтган йил октябрь ойи-дан бошлаб «Самарқанд — Истанбул», жорий йилнинг мартдан бошлаб «Турк ҳаво йўллари» томонидан шу йўналиш бўйича тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилган, халқларимиз ўр-тасидаги борди-келдининг соддаштирилгани муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Ҳозирги вақтда авиақатновларни кенгайти-риш мақсадида янги режа ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш борадида дастурлар доираси-да турк инвестицияси иштирокида қўшма лойи-ҳаларни амалга ошириш масаласи ҳам музока-ралар мавзуси бўлди.

Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам туризм соҳасида улкан имкониятларга эга. Бу салоҳиятдан тўла фойдаланиш, сайёҳлар алмашилувини ошириш улкан иқтисодий самара беради.

Яна бир муҳим йўналиш — Ўзбекистонда зиё-рат туризмининг ривожлантириш бўйича ҳам ама-лий фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ўтказилган суҳбат ва музокаралар давоми-да Ўзбекистон халқаро ислон академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот мар-кази, Ислон цивилизацияси маркази инфра-тузилмаларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини шакллантиришда туркиялик қар-дошлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. 2016 йил июнь ойида Анкарада Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Турк санъат усталарининг Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фести-валида мунтазам иштирок этиши, Туркия дав-лат телерадиокомпанияси (ТРТ) Ўзбекистонда ўтказиладиган расмий тантаналарни хорижий мамлакатларга ретрансляция қилиши анъанага айланди.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳала-рида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида та-риба алмашув ҳамда профессионал кадрлар

тайёрлаш борадидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳа-миятга эга.

Мамлакатларимиз БМТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро-тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мин-тақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига ўхшаб ёки яқин.

Президентлар минтақавий ва халқаро дара-жада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлиқни му-стақамлаш истагида эканликларини таъкидлаб, қўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро ман-фаатли ҳамкорлиқни кенгайтиришга интилиш-ларини билдирдилар. Хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш масаласида ҳам атрафлича фикрлашиб олинди.

— Бизнинг бу борадаги қатъий позициями-зи яна бир бор таъкидлашни истардим: Афғо-нистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий қучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ал-батта, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу бо-рада асосий воситачи ролини бажариши лозим.

Давлат раҳбарлари маърифий ва бағрикенг ислон динини тарғиб этиш, унинг асл инсонпар-варлик моҳиятини бутун жаҳон жамоатчилигига етказиш борадида ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Зеро, ислон дини доимо эзгулик ва тинчликка, асл ин-соний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Прези-денти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон кенг қўламли стратегик ҳамкорлигимизни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган, ўз мазмун-моҳияти билан катта аҳамиятга эга бўлган Қўшма баёнотни им-золадилар.

Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари, вазирилик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, саноат, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 24 та ҳужжатга имзо чекилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон музокара-лар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтганини, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республика-си билан Туркия Республикаси ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорлиқни янада мустақамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Музокаралар халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик анъаналарига мос ҳолда, очик, сермазмун ва самарали бўл-ди. Ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати холисона баҳоланиб, унинг устувор йўналишлари ва ис-тиқболдаги вазифалари аниқ белгиланб олинди. Икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик шериклик олий кенгаши тузиш бўйича келишувга эришилди, — деди давлатимиз раҳбари.

Туркия Президенти музокаралар ўзаро ан-глашув, манфаатдорлик ва ишонч руҳида ўтга-нини, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янада мустақамланиб, стратегик даражага кўтарил-ганини таъкидлади. Қўлами ва аҳамияти катта бўлган келишувларга эришилганидан, Бухорода-ги муборак қадамжоларни зиёрат қилаётганидан бахтиёр эканини билдирди.

Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонга мамлакатимиз парламентида амалга оширила-ётган ишхотлар ҳақида сўзлаб берилди. Тур-кия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик пала-таси депутатлари олдида нутқ сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Президенти Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ ис-тиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбе-кистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон «Ўзэкспонамказ»да таш-кил этилган «Ўзбекистон — Туркия» ишбилар-монлари бизнес-форумида иштирок этдилар. Бизнес-форум доирасида умумий қиймати 3 миллиард долларга тенг 50 дан ортиқ янги ин-вестициявий қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлан-тиришда бундай бизнес-форумлар муҳим аҳа-миятга эга эканини қайд этдилар.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон-нинг мамлакатимизда давлат ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.**

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПХАНМУНЖОМДА КОРЕЯ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ САММИТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУН ЧЖЭ ИНГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

**Корея Республикаси Президенти
Мун Чжэ Ин Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизни 2018 йил 27 апрель кунин корейс халқи тарихида том маънода унутилмас воқеага айланган корейя давлатлари ўртасида-ги Пханмунжон саммитининг муваффақиятли ўтгани билан самимий қутлайман.

Бутун дунё ҳамжамиятининг диққат марка-зида бўлган ушбу учрашувда эришилган улкан натижага Сизнинг қатъий позициянгиз, Корея Республикаси ҳамда Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларни ях-шилаш, глобал хавфсизлик ва барқарорлиқ-ни таъминлаш, шунингдек, минтақада ўзаро ишонч муҳитини мустақамлашга қаратилган тинчликпарварлик сиёсатини амалга ошириш йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларингиз ту-файли эришилди.

Музокаралар самимий ва дўстона муҳитда ўтгани, унинг якуни бўйича қабул қилинган, икки давлатни яқинлаштириш, сиёсий, сав-до-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқа-ларни ривожлантириш юзасидан ғоят муҳим келишувларни мустақамлаб берган Корея ярим оролида тинчлик ва тараққиётга эри-шиш, уни бирлаштириш ҳақидаги Пханмун-жон декларацияси Корея Республикаси ва КХДР ўртасида янги шериклик даври бошлан-ганига умид ва ишонч уйғотмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуро-лидан холи ҳудуд яратиш ташаббускори си-фатида, ҳеч шубҳасиз, икки давлат ўртасида-ги муносабатларни янада ривожлантириш ва минтақада интеграция жараёнларини илгари суришга хизмат қиладиган Корея ярим ороли-даги денуклеаризация жараёнини тўлиқ қўл-лаб-қувватлайди.

Сизнинг темир йўл ва автомобиль қатно-вини тиклаш тўғрисидаги ташаббусингизни алоҳида таъкидлашни истардим. Бу Корея ярим оролининг бепоён Евроосиё мамлакат-лари, жумладан, Марказий Осиё билан ҳам-корлигини кенгайтириш, уни ягона логистика тизими ва жадал ривожланган савдо-иқтисо-дий алоқаларга эга бўлган минтақага айлан-тириш учун янги истиқболлар очади.

Мухтарам жаноб Президент,
Ўзбекистон Республикаси Корея Республи-касининг стратегик шериги сифатида корейс халқининг умумий тараққиёт ва фаровонлиқка қаратилган ўзаро яқинлашиш, Корея ярим оро-лида барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш йўлидаги фаол амалий қадамларини бундан буён ҳам қатъий қўллаб-қувватлайди.

Ишончим комил, шундай ёруғ кунлар ке-лади ва корейс халқининг бўлиниб кетган ои-лаларни бирлаштириш, алоқаларни тиклаш ҳақидаги қўп йиллик орузи албатта амалга ошади, минтақада эса мустақам тинчлик ва фаровонлиқка эришилади.

Сиз, кадрдон дўстим ва азиз биродаримга корейя давлатлари ўртасида ўтказилган сам-митда эришилган, минтақа ва бутун дунёда вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга, ҳеч шубҳасиз, тарихий таъсир қўрсатадиган кели-шувларни амалга оширишда мустақам соғ-лик ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Сиз билан Ўзбекистон заминида яна учра-шишни сабрсизлик билан кутиб қоламан!
Чуқур ҳурмат-эҳтиром билан,

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

МАРДЛИК, БУРЧ ВА САДОҚАТ

КИЧКИНТОЙЛАР УРУШ ҚАТНАШЧИСИ ХОНАДОНИДА



Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалла-сида яшовчи Абдужалил ота Абдужаббо-ров Иккинчи жаҳон урушида Берлингача борган жангчилардан. Дахшатли қирғинба-рот урушдан омон қайтган отахон эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, бугун фарзандлари, набирау че-варалари ардоғида, давлатимиз ғамжўрли-да умр кечираётир.

Отанинг хонадонини ҳар йили Хотира ва қадрлаш кўни арафасида яқинлари маҳалла-дошлар зиёратгоҳига айланади гуё. Табаррук

инсон бу эътибор ва ғамжўрликдан миннатдор.

Хотира ва қадрлаш кўни арафасида шаҳардаги 12-мактабгача таълим муассаса-си жамоаси вакиллари отани совға-саломлар билан йўқлаб келди.

Айни пайтда вилоятда 45 нафар уруш фахрийси истикомат қилмоқда. Уларнинг барча-си давлатимиз томонидан яратилган имтиёз ва қўлайликлардан баҳраманда ҳаёт кечирмоқда.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.**

ҚОНУН ВА ШАРҚ

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ШАФФОФ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда давлат ва корпоратив харидлар механизмининг янада такомиллаштириш, тендер савдоларининг очикилиги ва шаффо-флигини таъминлаш бўйича изчил чора-тад-бирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, элек-трон савдолар жорий қилинди, Республика товар-хон ашё бизнесининг махсус ахборот портали яратилди, товарлар (ишлар, хизмат-лар) хариди бўйича, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари доирасида қўп поғонали идорала-раро тендер комиссиялари ташкил этилди.

Давлат харидлари давлат буюртмачилари томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) пулли асосда олишни аниқлади. Давлат буюрт-мачиси давлат харидларини амалга оширувчи

юридик шахс ҳисобланади. 2018 йил 9 апрель кунин Президентимиз имзолаган ва 10 апрелдан қуча кирган «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда бу ҳақдаги асосий тушунчалар белгиланб қўйилган.

Қонунда давлат харидлари тизимининг ҳуқуқий жиҳатлари, асосий тамойиллари очиб берилган. Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган сифатида белгиланб, унга давлат харидла-ри бўйича қатор ваколатлар берилди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги лойиҳалари доирасида қўп поғонали идорала-раро тендер комиссиялари ташкил этилди.

Давлат харидлари давлат буюртмачилари томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) пулли асосда олишни аниқлади. Давлат буюрт-мачиси давлат харидларини амалга оширувчи

Давоми 2-бетда. ►

ҚОНУН ВА ШАРҚ

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ШАФФОФ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

— «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишдан мақсад ва унинг асосий жиҳатлари нималардан иборат?

Эркин ҲОСИЛОВ,
Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бош мутахассиси:

— Давлат хариди тизимида шаффофлик ва самарадорликни таъминлаш масаласи қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этди. Янги қонунда электрон давлат харидининг давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш шариоитида ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, назорат қилишнинг замонавий шакл ҳамда услубларини жорий этиш кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, давлат ва корпоратив харидларининг ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермайди. Турли хил коррупция кўринишлари учун шариоит яратадиган қўллаб қўллашчи босқичлари, бир-бирини

такоррлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатлари мавжуд. Бундан ташқари, тендер жараёнларининг қўзилиши, нарх-навони манипуляция қилиш, товарларнинг сифати, тавсифи ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва электрон савдода тузилган битимлар бўйича товарларни етказиб бермаслик ҳолатлари қўллаб қўзатилади.

Қонун давлат дастурларини, Президент фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишлари, ҳукумат қарорларида назарда тутилган лойиҳалар, қорхона ва ташкилотларнинг ҳўжалик фаолиятини рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидларига нисбатан амал қилади. Қонунни қўллашни соддалаштириш учун айрим тушунчаларга батафсил изоҳ берилган. Масалан, давлат харидларининг субъектлари, давлат харидлари тўғрисидаги шартнома, харид қилиш тартиб-таомили, махсус ахборот портали оператори, электрон давлат харидлари каби тушунчалар тушунтирилган.

Қонундаги муҳим масалалардан яна бири шуки, давлат харидларининг очиклиги, шаффофлигини таъминлаш мақсадида тегишли давлат органларига, давлат харидлари субъектларига, жамоатчиликка давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Бундан ташқари, Қонунда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асослантирилгани ва рентабеллигини таҳлил қилиш, баҳолаш қоидалари ифода этилган. Уларнинг қийматини ошириб кўрсатиш ва бошқа суиистеъмолчилик аломатларини аниқлашни таъминлайдиган меъёрлар киритилган.

Қонунда шунингдек, давлат харидлари тартиб-таомилини амалга ошириш, шартнома тузиш ва уни ижро этиш қоидалари белгиланган. Етказиб берувчи ва буюртмачи ўртасида юз бериши мумкин бўлган низолар ҳамда келишмовчиликлар устидан шикоят қилиш, уларни ҳал этиш чоғида шаффофликни рўёбга чиқаришни назарда тутувчи меъёрлар ҳам ўрин олган.

— Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органнинг вазифалари қай йўсинда амалга оширилади?

— Қонунда бюджет маблағларининг мақсадли ва тўғри сарфланишини назорат қилиш, давлат харидлари иштирокчиларига қўлай шариоитлар яратиш мақсадида Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ваколатли орган этиб белгиланди ва унга қатор ваколатлар берилди.

Ваколатли орган давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади. Давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қоидалар, унинг усули ва тартиб-таомилини, ахборот жойлаштириш, ошкор қилиш ҳамда ундан фойдаланиш мезонини белгилайди.

Таъкидлаш кераки, давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш долзарб масала саналади. Қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва унга чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Молия вазирлиги зиммасига юклатилган. Мазкур давлат идоралари соҳани мониторинг ва назорат қилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, Қонунда жамоатчилик назоратини ўрнатиш белгиланди. Мақсад давлат харидларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмаклашишдан иборат.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИГА

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ

оқилона бошқарилиши керак



Акмал УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Харакатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири — аҳолининг уй-жой шариоитини янада яхшилаш, коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш ҳисобланади. Шу мақсадда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

Президентнинг тегишли қарори билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди. Унинг ваколат ва вазифалари белгиланди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини ташмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шариоитларини яхшилаш дастури тасдиқланди.

Маълумки, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари сифатида кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, улардан фойдаланиш ва эксплуатация харажатларини аниқлаш бўйича талабларни назорат қилади. Кўп хонадонли уйлари техник эксплуатация қилиш қоидалари, уларга туташ ҳудудларнинг санитария меъёрлари, гигиена қоидаларига мувофиқ ҳолда сақланишига rioя этилиши устидан ҳам назоратни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, вазирлик ҳар йили кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш бўйича белгиланган меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, унинг умумий мулкни, унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар-жой ҳамда нотураржой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари энг кам миқдорини тасдиқлайди. Уларни ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига етказилади.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш ва бўғлаш ишлари учун тижорат банклар томонидан имтиёзли кредитлар (5 йилга 9 фоиз) ажратиб келинмоқда. Бугунги кунда республикамиздаги 32 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйлارга 5 мингга яқин ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатмоқда.

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Ширкатлар, профессионал бошқарув компаниялари, ширкатлар уюшмалари ташкил қилинди, асосийси, фуқароларнинг ўз уйини ўзи бошқариш, сақлаш, таъмирлаш масалаларига муносабати ўзгарди ва мулкдор эканлигини ҳис қила бошлади. Ширкатлар томонидан ҳам бугунги кунда кўп қаватли уй-жойларда яшовчи фуқароларнинг яшаш шариоитларини яхшилаш, техник-сервис хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, тасарруфидида кўп қаватли уй-жойларни қузиш мавсумига тайёролаш, умумфойдаланишдаги жойларини таъмирлаш, дам олиш жойлари, болалар майдончалари қуриш масалалари ҳал қилинмоқда.

Бугунги кунда ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бухгалтерия ҳисоб-китобларини марказлашган ҳолда юритиш тизимини жорий қилган.

Буларнинг барчаси ширкатларда босқичма-босқич «Биллинг» тизими ташкил этилишига ва www.e-komunal.uz порталига ширкатлар бўйича маълумотлар базаси киритилишига замин яратмоқда.

Мазкур ишлар муҳим, албатта. Лекин ҳал қилиниш керак бўлган масалалар ҳам аз эмас. Хусусан, аҳолининг уй-жой ва коммунал хизматлардан фойдаланиш харажатларининг ижтимоий мақбуллик даражасини ошириш, бунинг учун уй-жой фондини эксплуатациясини ташкил этиш бўйича аниқ процессуал механизмларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Уй-жой мулкдорларининг мажбурий тўловларини шакллантириш бўйича чуқур асослантирилган меъёрлар ўрнатилиши ҳам долзарб масала бўлиб турибди.

Кўп қаватли уйларида яшайдиган ва нотурар-жойларда фаолият кўрсатадиган мулкдорлар орасида кўпроқ тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Ҳар қандай таъмирлаш ишлари катта маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Бу ишлар фақат ширкат раиси, бошқарув аъзолари ёки маҳаллий давлат ҳокимият органлари эмас, авваламбор, шу уйда истикомат қилиб келаётган хонадон мулкдорлари иштирокида олиб борилиши керак. Ўз навбатида, бунинг учун аҳоли, яъни мулкдорларнинг хабардорлиги ва фаоллигини кўчатириш талаб этилади. Шунда ширкатлар самарали ишлайди, масъулияти ошади.

Соҳадаги фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш, истеъмолчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида янги замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилиш, автоматлаштириш даражасини тезлаштириш зарур.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

— Давлат харидларини амалга оширишда шаффофликни таъминлаш масалалари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

Нўмон АКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми давлат харидлари орқали амалга оширилади. Бюджет маблағлари оқилона сарфланиши мазкур жараёнларда очиклигини таъминлайди. Бу коррупцияга йўл қўйилмаслигида катта аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, меъёрий ҳужжатларда ҳуқуқий асос аниқ, уйғун, тўлиқ акс этирилмаган ва кўпгина қарама-қаршилиқлар мавжудлигини

кўриш мумкин эди. Бу каби камчиликлар натижасида давлат харидларининг тежамлилиги, самарадорлиги га пугур етган. Барча иштирокчиларга нисбатан тенг ва холисона муносабатда бўлинмаган. Инсофли етказиб берувчилар учун давлат харидлари бозорининг жозибadorлиги ҳамда рақобатдошлиги таъминланмаган эди.

Янги ҳуқуқий ҳужжат давлат харидларини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш, шу орқали давлат харидлари иштирокчиларининг ишончини оширишга хизмат қилади. Давлат харидлари соҳасида махсус ваколатли органи белгиланган бўлиб жараёнларни тўлиқ назорат қилиш, таҳлил юритиш ва такомиллаштириш имконини яратади.

Давлат буюртмачилари икки турга бюджет ва корпоратив буюртмачиларга

бўлинади. Бюджет буюртмачилар таркибига давлат органлари, бюджет ташкилотлари, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун юбориладиган бюджет маблағларини олувчилар кирди. Корпоратив буюртмачилар давлат қорхоналари, уст-ва фондида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек, таъсисчилар таркибига уст-ва фонди 50 фоиз ва ундан ортиқ қисмини ташкил қилувчи юридик шахслар бўлиши мумкин.

Қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш учун ҳаволаки меъёрлардан фойдаланмаслик мақсадида электрон дўкон, танлов, тендер ва аукцион ўтказишнинг тартиби ҳам белгилаб қўйилган.

— Янги қонун амалда нималарни ўзгартиради?

— Давлат харидлари асосан электрон дўкон орқали амалга оширилиши энг муҳим ўзгариш бўлади. Бу тадбиркорлик субъектлари учун янги имкониятлар йўлини очди.

Харид қилиш тартиб-таомиллари давлат ва жамоатчилик назоратида бўлиши жуда муҳимдир. Мониторинг юритилиши соҳа самарадорлигини таҳлил қилиш имконини оширади. Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати очиклик ва шаффофлик орқали амалга оширилади.

Мазкур қонун ёрдамида давлат харидларининг ўзига хос янги тизимини яратишга эришилади. Натижада бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар, ҳукумат қафолати билан кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш имкони ортади. Давлат сектори «нарх-сифат»нинг ўзаро мақбулликда керакли миқдорда зарур товар, ишлар ва хизматлар билан таъминланади. Харидларни рақобат асосида амалга оширишнинг очик ва шаффоф механизми йўлга қўйилади. Энг муҳими, мазкур жараёнларда коррупциянинг олдини олиш йўлида катта қадам қўйилади.

ЖАНГГОҲЛАРДАН КЕЛГАН ХАТЛАР

олис хотиралардан сўзлайди

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Сергели туманида «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси доирасида амалий тадбир ташкил этилди. Партия фаоллари билан дастлаб «Йўлдош-1» мавзеси томон йўл олди.

— Бугунги кунда туманимизда 40 нафар боқувчисини йўқотган яқка-ёлғиз нурунийлар ҳамда 14 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси яшайди. — деди **халқ депутатлари Сергели туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари, туман партия кенгаши раиси Мирзохид Хидиров**. — Уларни тез-тез йўқлаб турамыз. Ҳаёт тажрибаларини ўрганамиз. Айниқса, туман партия кенгаши қошида ташкил этилган «Кўнгилли ёшлар» гуруҳи бу борада фаол. Уларнинг ҳолидан доимий равишда хабардор бўлишди. Уй юмушларига қўмаклашди. Уруш қатнашчиларининг хонадонларида бўлганимизда уларнинг хотираларини диққат билан тинглаймиз, маслаҳатларини оламиз. «Йўлдош-1» мавзеси 11 уйда истикомат қилаётган Алла Кречевская хонадонига кириб боришимиз билан онахон ёшлар қуршовида қолиб кетди. Фотоальбомларини қўлга олиб, уруш йилларига тўғри келган болалик хотиралари ҳақида сўзлади.

— Бу суратларда бутун ҳаётим акс этган, — деди у. — Уруш болалигимизни, орзуларимизни ўғирлади. Миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритди, қанчадан-қанча болаларни етим қилди. Менинг отам ҳам уруш қатнашчиси бўлган. Ўзим уруш йилларида эвакуация қилинган болаларнинг бириман. Ҳамон ёдимда, отам ҳарбий бўлиб ишларди. Биз яшайдиган ҳудудда эвакуация



эълон қилинган вақтда отам хизмат вазифасини бажараётганди. Онам зудлик билан мени, эгизак синглим ва уч ёшли уканим олиб, вокзал томон шошилди. Орада отамга хабар бериш йўлини ҳам қилди. Аммо биз вақт тигизлиги сабаб улар билан хайрлаша олмадик. Поезд жойидан кўзгалгунча кўзимиз йўлда бўлди... Афсус, на ўшанда, на ундан кейин отамни кўрдик.

Онам бизга Тошкентга кетаётганимизни айтиди. Поезд жойидан силжиганида осмонда икки самолёт бир-бирининг ости-устидан айланиб учаётганини эслайман. Улар бироз вақт ўтиб, тўқнашиб кетди. Поезддагиларнинг бари жим бўлди. Худди сасимизни чиқазсак, душман бизни эшитиб қоладигандек. Поезд ўз йўлида давом этарди: Тақа-тақ, тақа-тақ...

Бир кун эрта тонгда кўзимизни очганимизда, мусаффо осмонни кўрдик. Манзилга етиб келган

нимизни англадик. Вокзал турли мамлакатлардан келган «уруш болалари» билан тўлганди. Кун охирига бориб, вокзал бўшади. Ўзбек халқи ҳам бу вақтда қийна-лёт кун кечирар, борини урушдаги яқинларига жўнатарди. Шу вазиятда ҳам ўзбеклар турли миллат болаларини ўзлариникидан кам кўрмади. Уйдан жой берди, нонини бўлишди. Онам ҳам тез орада пойабзал фабрикасига ишга жойлашди. Биз ўқишни давом эттира бошладик...

Орадан етмиш беш йил ўтди. У кўнларни эслашнинг ўзи оғир. Отамни ёд этганимизда улардан келган хатларни олиб ўқийман. Гойибона суҳбатлашгандек бўламан. Хотираларим янада жонланади.

Шундан сўнг Алла Кречевская эҳтиёткорлик билан ўралган қороздаги хатларни кўлимизга тутқазди. Хатлар сарғайган, букланган, айрим сўзлари ўчган, шошини кўрдик. Манзилга етиб келган

турарди. Аста ундаги сатрларга кўз югуртира бошлаймиз:

«Салом, азизам Ривуся, қадрли фарзандларим. Мен айни вақтда соғ-саломатман ва сизларга ҳам шуни тилайман. Сизларга бир хат жўнатдим. Ҳозир яна бирини ёзишга шайланяман...»

Сизларни жуда қаттиқ соғинганимиз боис яқин орада хат ёзолмаслигим мумкин. Кейинроқ фикримни, диққатимни бир ерга жамлаб, албатта аҳолиимни маълум қиламан. Сизларга соғлиқ ва бахт тилайман». Бу мактуб 1943 йил 1 декабрда ёзилган.

Сергели-8 мавзеси 39 уйда яшайдиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Равил Аскаронинг уйда бўлганимизда жавонда тартиб билан терилган юзлаб китоблар диққатимизни тортди. Буни сезган отахон «Кўнгилли ёшлар» гуруҳи аъзолари билан суҳбатни шу мавзудан бошлади.

— Китоб ўқишни яхши кўраман, — деди у. — Ўтган аср бошларида нашр этилган китобларим ҳам бор. Уларни қайта-қайта ўқишдан эринмайман. Сизлар ҳам истаган вақтингизда келиб, мўъжазгина кутубхонамдан фойдаланишингиз мумкин.

Ёшлар бу таклифдан қувонди, суҳбат отахоннинг болалик хотираларига уланди.

— Наманганда туғилганман, — деди отахон. — Менга номаълум сабабларга кўра, ота-онам Хитойда асирликка тушган. Отамнинг қурувчилар отрядида хизмат қилганини биламан, холос. Ўшанда 4-5 ёшлар атрофида эдим. Ота-онам билан лагерда яшагга мажбур бўлганимиз. Уруш тугагандан сўнг, ватанга қайтдик. У ердаги дахшатларни эслашни ҳам истамайман, росоти. Аммо ҳали-ҳануз қулоғимга отамнинг қўл-оёқларидаги кишанларнинг овози эшитилади. Баъзан кечалари бу сасдан уйғониб кетаман. Тушимми, ҳушимми, бироз англаёлмай қоламан...

Шу кун партия фаоллари Сергей Усков, Манзура Эшонкулова, Нозима Ҳайитова хонадонларида ҳам бўлишди. Уй юмушларига ёрдам бериб, эсдалик совғалари топширилди.

— Бу йўқловлар кўнглимизни тоғдек кўтарди, — деди **Манзура Эшонкулова**. — Бугунги тадбир ташкилотчиларига раҳмат.

Катта таассуротлар билан ишхона томон отландик. **ЎЗХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири Нилуфар Йўлдошева** учрашувлардан олган таассуротларини сўзлаб берди:

— Ҳар гал нама шундай мулоқотлардан ҳаёт ҳақида хулоса чиқараман. Айниқса, уруш қатнашчилари олдида қарзимиз кўпчилигини англайман. Минг афсуски, улар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Уруш қатнашчиларидан эшитадиганларимиз бизга ва ёшларга ҳаёт йўлларида асқотди. Биз уларни нафақат байрам кунларида, балки ҳар доим ардоқлаб, ҳурмат-иззатини жойига қўйишимиз зарур.

Махлиё АЛИКУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУГУНГИ ДИПЛОМАТ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Хайдарали ЮНУСОВ,
Жаҳон иқтисодий ва
дипломатия университети
доценти, Париж 1
Пантеон-Сорбонна
университетининг тақлиф
этилган профессори,
Оксфорд
университетининг тақлиф
этилган тадқиқотчиси.

Биз — ўзгаришлар даври-
нинг одамларимиз. Жаҳонда
ва мамлакатимизда рўй бе-
раётган шиддатли ўзгариш-
ларга ҳамнафас авлод вакил-
ларимиз. Бундай даврда
яшашнинг ўз масъулияти
бор.

Мамлакатимиз ҳаётининг
барча жабҳаларида бўлгани
каби ислохотлар эпкинни
халқаро алоқалар ва ташқи
сиёсат соҳасига ҳам кириб
келмоқда.

Президентимиз томони-
дан 2018 йил 11 январь куни
ўтказилган Ташқи ишлар ва-
зирлиги ва мамлакатимиз-
нинг хориждаги элчихонала-
ри фаолияти таҳлилига ба-
ғишланган видеоселектор йи-
ғилишида соҳадаги муаммо-
лар ва уларнинг илдиэлари
теран таҳлил қилинди, ҳамда
истиқболдаги вазифалар
белгиланди. Шунингдек,
халқаро алоқалар ва ташқи
сиёсат соҳасида мутахассис-
лар тайёрлаш билан боғлиқ
масалага ҳам алоҳида эъти-
бор қаратилди. Зотан, дав-
латлараро, минтақавий, ва
хатто, глобал миқёсдаги халқ-
аро алоқаларда, бу алоқалар
қанчалик қамровли ва шид-
датли бўлмасин инсон оми-
лининг, яъни соҳа мутахассис-
ларининг касбий тайёр-
гарлиги ва шахсий фазилат-
лари муҳим омил бўлиб қола-
веради.

Мамлакатимиз раҳбари-
нинг маърузасида Ўзбекис-
тон Республикасининг ташқи
сиёсат ва дипломатияси учун
масъул вазирлик фаолияти-
даги муаммолар билан бир-
галикда бугунги кун ва кела-
жак дипломатиясини тайёрлаш
соҳасидаги камчиликлар кўр-
сатиб ўтилди.

Дипломат эгаллаши лозим
бўлган шахсий фазилатлар
ҳамда касбий билим ва ма-
лакалар мухтасар санаб ўтил-
ди. Ўзбекистоннинг бугуни ва
истиқболи учун ўта муҳим
бўлган ташқи сиёсат ва дип-
ломатия соҳасида фаолият
кўрсатувчи мутахассис — дип-
ломат қандай бўлиши керак
деган саволга ойдинлик ки-
ритилди.

Соҳадаги камчиликларни
бартараф этиш чоралари
ҳамда етук кадрлар тайёр-
лашнинг устувор йўналишла-
ри 2018 йилнинг 5 апрелида
қабул қилинган «Ўзбекистон
Республикаси Ташқи ишлар
вазирлиги тизимини тубдан
тақомиллаштириш ҳамда
ташқи сиёсий ва ташқи иқти-
содий фаолиятнинг устувор
йўналишларини амалга оши-
ришда унинг масъулиятини
кўчатириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги Президент
фармонида ҳам ўз аксини то-
пди.

Мазкур ҳужжатда, дипло-
мат кадрларни ташлаш, тай-
ёрлаш, қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш, уларда
етук шахсий ва касбий фа-
зилатларни шакллантириш,
ҳар томонлама моддий ва
маънавий рағбатлантириш,
етарли даражада ижтимоий
ҳимоя қилиш ва муносиб меҳ-
нат шaroитларини яратиш
масалаларига алоҳи-
да эътибор қаратилди.

Президент томонидан



— чексиз луғавий, услубий,
фасоҳий имкониятларга эга
Навоий тилининг улкан сало-
ҳиятидан фойдалана олиш,
ёза олиш дегандир. Афсус-
ки, ҳозирги ўзбек дипломат-
ларининг, ҳаттоки, элчилар-
нинг бу борадаги билимла-
ри етарли эмас.

Эътибор бериш лозимки,
хорижий тилларни пухта
эгаллаш балки дипломатнинг
касбий маҳорати нишонаси-
дир, бироқ ўз она тилини му-
камал билиши унинг айнан
шахсий фазилати сифатида
қаралиши лозим. Шундай
шахсий фазилатларга эга
дипломатлардангина ҳақиқий
ватанпарварликни кутса
бўлади.

Дипломатлар эгаллаши
лозим бўлган яна бир фазил-
лат — уларнинг халқчил бўла
олишларидир. Халқчиллик
халққа яқин бўлиш, унинг дар-
ди ва ташвишларидан хабар-
дорлик билан биргаликда ко-
рига ярашни ҳам аналтади.
Халқчиллик, айни пайтда, ўз
халқининг барча фазилатла-
рини, яшаш ва тафаккур тар-
зини табиий равишда, ўз
холича, ўзига ва ўзлигига
сингдириш демакдир.

Ўзбек халқининг меҳмон-
дўстлик, саховатпешалик,
адолатпарварлик, бағрикенг-
лик, истихлола ва шу каби юзла-
б бемисл фазилатлари
борки, улар замон ва макон
хилқатларида ўз эътирофини
аллақачон топиб улгурган.

Эраимиздан аввалги аср-
ларда яшаган Геродот,
Страбон, Деодор, Помпей
Трог каби тарихчилар томо-
нидан яратилган қадимги
юнон манбаларида «қадимий-
ликда мисрликларга қиёс»
қилинган Марказий Осиё халқ-
лари «азалдан қудратли ва
шуҳратли» халқлар сифатида
таърифланган. Ал-Маъсудий,
Ал-Максудий, Истахрий, ибн
Хавқал каби араб тарихчи
ва этнографларининг асар-
ларида Хуросон ва Мовароун-
наҳр халқларига шундай таъ-
риф берилади: «Оллох улар-
га очикқўллик ва оққўнғиллик-
ни берган, улар ўзларининг
ўткир ақли ва Куръонни тўғри
ўқишлари билан ажралиб ту-
ради».

Европалик сайёҳ Ҳерман
Вамбери ўзининг «Бухоро
ёхуд Мовароуннаҳр тарихи»
асарида ўзбекларни тўғри
сўз ва самимий халқ сифа-
тида тавсифлайди. Ўзбек
халқининг шу каби миллий
хусусиятлари ва фазилатлари
битилган манбалар бисёр. Бу
борада ўзбек дипломатла-
рининг юмуши енгил: уларнинг
вазифаси ўша фазилатларни
ўзларида жо этиши ва ўзбек
халқининг самимиятини бош-
қа халқларга етказиш, таъбир
жоиз бўлса, тарбия қилиш-
дангина иборатдир.

Дипломатлар эгаллаши
лозим бўлган касбий билим
ва кўникмалар ҳақида гап кет-
ганда, албатта бугунги кун
талабларидан келиб чиқиш
лозим. Президентимиз таъ-
кидлагандек, жаҳон миқёси-
да рақобат, қарама-қарши-
лик, турли манфаатлар тўқна-
шуви, геосиёсий зиддиятлар
тобора кучайиб бормоқда.
Халқаро муносабатлар тизи-
ми ривожига янги сифат
босқичи кузатилмоқда. Бу
халқаро-институционал ти-
зимнинг такомиллашишида,
норма ижодкорлик жараёни-
даги туб ўзгаришларда, халқ-
аро ҳуқуқ манбалари тизими-
нинг кенгайишида, халқаро

муносабатлар субъектлари
сонининг ошишида яққол акс
этмоқда.

Асосий вазифаси давлат-
лараро муносабатларни таъ-
минлаш воситаси деб қара-
ладиган дипломатия энди-
ликда, давлатлар, халқлар ва
халқаро ташкилотларнинг
халқаро фаолияти, уларнинг
ўзаро, айрим ҳолатларда
жисмоний ва юридик шахс-
лар билан алоқаларини тар-
тибга солувчи восита сифа-
тида ҳам гавдалана бошла-
ди.

Фан-техника соҳасидаги
мисли кўрилмаган ютуқлар,
учувчи ва сузувчи қурилма-
ларнинг янги авлоди ва қуд-
ратли интеллектуал салоҳия-
га эга микросхемаларнинг
пайдо бўлиши халқаро муно-
сабатлар тизимини мураккаб-
лаштирмоқда. Айни пайтда,
халқаро муносабатларнинг
интенсивлашуви негизидан
сиёсий жараёнларнинг ўзаро
ички алоқадорлиги ҳам ку-
чайиб бормоқда.

Аваллари Парижнинг
биргина «акса уриши» бутун
Европани «тўмов»га етакласа,
ҳозирги кунда узоқ Африка
ёки афрон қишлоғида қақна-
ган учқуннинг тутини жаҳон-
нинг энг йирик пойтахтлари-
да кўринмоқда.

Бугунги кун дипломатия
халқаро майдондаги муҳи-
тдан тўлақонли хабар-
дор бўлиши, халқаро му-
носабатларнинг ривожла-
шиш тенденциялари ҳамда
жаҳон сахнидаги кўпқирра-
ли сиёсий жараёнлар ора-
сидаги кўз илғамас алоқа-
дорликни пайкай олиши ва
ҳис эга бўлиши талаб эти-
лади. Дипломатларнинг
глобал ўзгаришлар эпкин-
нининг ҳамин қадар теб-
ранишлари таъсирчанлиги,
ўзгаришлар даври даъва-
тига ҳозиржавоблиги бу-
гунги кун талаби сифати-
да гавдаланмоқда.

Ўзгаришлар гирдобиди
қолган дунёда элчининг ўз
мамлакатини ва халқаро май-
донда рўй бераётган воқеа-
лардан бохабарлиги ва ҳозир-
жавоблиги муҳим касбий
фазилат. Хар қайси за-
монда ташқи сиёсат ички сиё-
сатнинг мантиқий давоми си-
фатида қўрилган. Ўз навба-
тида, муайян вазиятларда
ички сиёсатнинг устувор
йўналишларини белгилашда
ташқи омиллар таъсири
эътиборга олинади.

Элчи ва хар қандай да-
ражадаги дипломат ўз мам-
лакатини ичидаги ўзгариш-
лар, ислохотлар ва аниқлик-
лардан хорижий ҳамкорлар-
ни хабардор этадиган —
ўзгаришлар даврининг элчи-
си бўлмоғи лозим.

Мамлакат ичкарисидаги
ўзгаришларнинг халқаро
майдондаги эврилишларга
ҳамоҳанглиги ва уйғунлиги-
ни таъминлаш бугунги дип-
ломатиянинг стратегик ва-
зифасидир. Чунки замон ва
у билан биргаликда халқаро
вазият, халқаро ҳамжамият
ва халқаро алоқалар табиа-
ти ўзгармоқда. 2017 йил но-
ябрь ойида Самарқанд шаҳ-
рида бўлиб ўтган халқаро
анжуманда иштирок этиш
учун юртимизда биринчи
марта ташриф буюрган
Европа Иттифоқининг ташқи
ишлар ва хавфсизлик сиё-
сати бўйича Олий вакили
Ф. МоҒерини Европа
Иттифоқи ва Марказий Осиё
муносабатларининг устувор

йўналишлари хусусида
гапирар экан, ўзгаришлар
даври шерикчилиги гоёси-
ни илгари сурди.

Фан-технологиялар куча-
йиб бораётган ҳозирги пайт-
да бугунги кун дипломатия,
шубҳасиз, энг янги ахборот
технологиялари воситалари
билан ишлаш кўникмасига
эга бўлиши лозим. Чунки
ҳозирги кунда турли манфа-
атдор гуруҳлар ўртасидаги
рақобат йўлаги ўзгарган. Эн-
дликда янги виртуал бозор
лар ҳамда энг янги ишлаб
чиқариш ва хизматлар кўрса-
ти технологиялар учун ку-
раш энг кескин рақобат май-
донини ҳосил қилмоқда.

Дипломат самарали фао-
лият кўрсатиши учун ўз та-
сарруфидаги барча расмий
воситалар билан биргаликда
халқ дипломатияси имконият-
ларидан ҳам самарали фой-
далана билиши лозим. Ўзи
фаолият кўрсатаётган мамла-
катдаги энг нуфузли фан,
санъат ва маданият арбоб-
лари билан мулоқот ўрнати-
ши, илмий доиралар ва тад-
биркорлар жамоаси билан
ҳамкорлик ришталарини боғ-
лаб олиши даркор. Бу мақ-
садга эришиш учун меҳнат
қилиши, ўзининг билим ва
савияси билан тегишли дав-
раларда ҳурмат, эътибор ва
эътироф қозониши лозим.

Элчи, Франц Кафка тас-
вирлаган «кичкина тўйнуқ»
орқали миллионлар қалби-
ни миллионлар қалбига ту-
таштириш лозим. Инсон-
лар қалбини, халқ қалбини
аввало унинг маданияти, ада-
биёти ва санъати, миллий
қадриятларига ҳармат-эҳти-
ром кўрсатиш орқали забт
этиш мумкин, холос.

Нихоят, бугунги кун дип-
ломатия очик, тезкор ва та-
шаббускор бўлиши лозим.
Ташқи сиёсатнинг хаддан
ташқари сиёсийлашгани ва
мафкуравийлашгани «совуқ
уруш» даврининг асоратидир.
Хар нарсадан ҳадиксираш,
хавфсираш ва ёвқараш бу-
ндонда рўй бераётган воқеа-
лардан бохабарлиги ва ҳозир-
жавоблиги муҳим касбий
фазилат. Хар қайси за-
монда ташқи сиёсат ички сиё-
сатнинг мантиқий давоми си-
фатида қўрилган. Ўз навба-
тида, муайян вазиятларда
ички сиёсатнинг устувор
йўналишларини белгилашда
ташқи омиллар таъсири
эътиборга олинади.

Буюк натижаларга баъзан
кичик қадамлар билан эри-
шилади. Шунинг учун хар бир
жузъий ҳолатга ҳам эътибор-
лироқ бўлишга масъулмиз.
Жараёнлар кутқусида нафа-
кат тезкор қарор қабул қилиш
керак, балки унинг илҳоси-
ни ҳам изчил таъминлаш за-
рур. Ўз-ўзига талабчанлик ва
ички масъулият ҳисси орқали-
гини воқеалар изминини
бўйсундириш, ундан олдин-
га ўтиб олиш ва уни «етақ-
лаш» мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари
бу борада ўзининг хатти-
ҳаракати билан барча да-
ражадаги дипломатлари-
миз учун намуна кўрсат-
моқда. Ташқи сиёсат ва
дипломатия соҳасида ул-
кан тажрибага эга, АҚШ-
нинг мамлакатимиздаги
фавқулодда ва мухтор элчи
Памела Спратлен
«Америка овози» телерадио-
си муҳбири билан суҳбат-
да Ўзбекистон Президенти-
нинг шахси ва фаоли-
тига тавсиф берад экан,
унинг олдинга, суҳбатдо-
ши томон бироз интилиб
гапиришини илғаб,

Президентнинг самимий-
лигини олқишлагани таъ-
синга сазовор. Биринчи
ҳолат Президентнинг та-
шаббускорлиги, мулоқотга
очиклиги, суҳбатдошга
хайрихоҳлигидан дарак
берса, унинг самимийлиги
Ўзбек халқига хос бўлган
буюк фазилатни ўз суҳбат-
дошига етказиш вазифа-
сини ўтайди.

Ташқи сиёсат ва диплома-
тия давлатчиликнинг энг му-
ҳим йўналишларидан бири-
дир ва шундай бўлиб қола-
веради. Глобаллашув жараё-
ни гоёт кенг қулоқ ёйган
ҳозирги шароитда, айниқса,
ташқи алоқаларсиз яшаб
бўлмаслиги кўшимча исбот-
талаб қилмайди. Улкан таби-
ий ва чексиз ақлий салоҳият
захираларига эга Ўзбекис-
тоннинг дунё ҳамжамияти,
айниқса, жаҳон маданияти ва
иқтисодийига янада интег-
рациялашуви хар қачонгидан
ҳам муҳимдир.

Бу борада дастлабки зал-
ворли қадамлар ташланди.
2017 йилда 21 олий даража-
даги ташрифлар амалга оши-
рилди, 60 дан зиёд давлат
ва халқаро ташкилотлар раҳ-
барлари ва вакиллари билан
учрашувлар ўтказилди, 400
дан ортик битим ва келишу-
вларга эришилди. Кўни кеча
Ўзбекистон навбатдаги 134-
ҳамкор давлат билан дипло-
матик алоқалар ўрнатди.

Хорижий давлатлар ва
халқаро ташкилотлар хузури-
да Ўзбекистоннинг эллика
яқин дипломатик ваколатхо-
налари мавжуд. Афсуски,
уларнинг ҳаммаси ҳам сама-
рали фаолият кўрсатаётган-
лиги Президентимиз томони-
дан ҳам кескин танқид қилин-
ди. Буларнинг барчаси, ал-
батта, қадрлар тайёрлаш би-
лан боғлиқ масалага бориб
тақалади.

Ташқи сиёсий, иқтисодий
ва маданий алоқалар учун му-
тахассислар тайёрлайдиган
олий таълим муассасалари
фаолиятини танқидий ўр-
ганиш асносида мутлақо янги
тизим яратиш ва уни миллий
меросимиз, илгор хорижий
тажриба ҳамда дипломатия
фани ва санъатининг энг ил-
кониятлар майлида ҳам хара-
катдан тўхтамаслик лозимли-
гини ҳис этмоғимиз керак.

Буюк натижаларга баъзан
кичик қадамлар билан эри-
шилади. Шунинг учун хар бир
жузъий ҳолатга ҳам эътибор-
лироқ бўлишга масъулмиз.
Жараёнлар кутқусида нафа-
кат тезкор қарор қабул қилиш
керак, балки унинг илҳоси-
ни ҳам изчил таъминлаш за-
рур. Ўз-ўзига талабчанлик ва
ички масъулият ҳисси орқали-
гини воқеалар изминини
бўйсундириш, ундан олдин-
га ўтиб олиш ва уни «етақ-
лаш» мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари
бу борада ўзининг хатти-
ҳаракати билан барча да-
ражадаги дипломатлари-
миз учун намуна кўрсат-
моқда. Ташқи сиёсат ва
дипломатия соҳасида ул-
кан тажрибага эга, АҚШ-
нинг мамлакатимиздаги
фавқулодда ва мухтор элчи
Памела Спратлен
«Америка овози» телерадио-
си муҳбири билан суҳбат-
да Ўзбекистон Президенти-
нинг шахси ва фаоли-
тига тавсиф берад экан,
унинг олдинга, суҳбатдо-
ши томон бироз интилиб
гапиришини илғаб,

ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Сурхон деганда, энг аввало, кўҳна воҳанинг
ўзига хос урф-одатлари, чанқовуз чалаётган,
лапар айтаётган момолар, қир-адирда дўмби-
ра чалиб, йиғилганларни хайратга солиб дос-
тон куйлаётган бахшилар кўз ўнгимизда гавда-
ланади. Асрлар оша яшаб келаётган халқ
қўшиқлари, уларга ҳамоҳанг рақс санъати,
ўзига хос миллий либослар нафақат мамлака-
тимизда, балки бутун дунёда машҳур.

«БОЙСУН БАҲОРИ»

фестивалида иштирок этган хорижлик
меҳмонлар ҳайрати

— Инсониятнинг илк манзил-
ларидан бири бўлган Бойсун
тумани гўзал табиати, осмон-
улар тоғлари, зилот сувлари,
ўшашни йўқ иклими билан биз-
ни хайратга солди, мафтун
қилди, — дейди афғонистон-
лик Мухаммад Захирий. —
Биз бу ердаги тинч-осуда ҳаёт-
ни, бунёдкорлик ишларини
кўриб, ҳавас қилдик. Бундай
тантана қишлоқ ва шаҳарлари
обод, халқи тинч, энг муҳими,
одамлари ўз ҳаётидан рози
бўлган юртга ярашади, Анжу-
манни юксак савияда ўтказиш
учун барча шароит ва имко-
ниятларни яратиб берган ташқи-
лотчиларга раҳмат.

— Инсониятнинг илк манзил-
ларидан бири бўлган Бойсун
тумани гўзал табиати, осмон-
улар тоғлари, зилот сувлари,
ўшашни йўқ иклими билан биз-
ни хайратга солди, мафтун
қилди, — дейди афғонистон-
лик Мухаммад Захирий. —
Биз бу ердаги тинч-осуда ҳаёт-
ни, бунёдкорлик ишларини
кўриб, ҳавас қилдик. Бундай
тантана қишлоқ ва шаҳарлари
обод, халқи тинч, энг муҳими,
одамлари ўз ҳаётидан рози
бўлган юртга ярашади, Анжу-
манни юксак савияда ўтказиш
учун барча шароит ва имко-
ниятларни яратиб берган ташқи-
лотчиларга раҳмат.

— Тоғли жойларда кўп бор
бўлганман, — дейди Англия-
дан келган Натан Джеффере.
— Лекин бу қадар улкан тош
сабонларни, халқингиздай
хушфелъ, очик юзли меҳ-
мондўст одамларни шу ерда



Миллий қадриятларимизни
асраб-авайлашга берилётган
эътибор туфайли қадимий урф-
одатларимиз, халқ амалий
санъати каби номоддий мада-
ний мерос дурдоналари олим-
лар томонидан чуқур ўрганилиб,
қайтадан ҳаётийлик касб этмоқ-
да. Бойсундаги илк манзилгоҳ-
лар, тамаддуллар бешиги
хисобланмиш Тешкитош гори
инсоният тарихининг энг қадим-
ий цивилизацияси ўноғи си-
фатида тадқиқ қилинмоқда.

Бу ердаги маданий муҳит
жаҳон ҳамжамияти маданий
объектларининг 19 номинанти
орасида ЮНЕСКО томонидан
«Инсониятнинг ёзқизи ва номод-
дий маданий мероси» рўйхати-
га киритилган. Ўз навбатида
Бойсун маданияти ва аъна-
ларини сақлаш ва хар томонла-
ма ўрганиш натижасида олим-
лар томонидан элликдан ортик
ёдрорлик топилиди.

Туманининг жуғрофий муҳити
аҳолининг аънавий турмуш
тарзи, халқ ижодиёти, фольк-
лор мусиқаси ва оғзаки поэтик
ижоди ҳамда халқ эпос-достон-
лари каби турли кўринишлар-
да намойиш бўладиган аъна-
ларни бус-бутунлигича, табиий
тарзда сақлаб қолишга имкон
яратган.

Фестивални ўтказиш учун
«Падан» қишлоғининг поёнсиз
ийовлари бекоорга танлаб
олинмади. Чунки бу ердаги кенг
далалар, қир-адирлар инсон
руҳига тетиклик бағишлайди,
кайфиятини кўтарди. Туман
ҳокимлигининг сай-ҳаракати
билан ана шу ҳудудда анжуман-
ни ўтказиш учун қисқа вақт ичи-
да ўзига хос кичик шаҳарча қад
ростлади.

Фестивалнинг айнан Бойсу-
нда ўтказилиши бежиз эмас, —
дейди туман ҳокими Ўктам
Тўраев. — Чунки унинг моддий
ва номоддий маданиятида Мар-
казий Осиё, Афғонистон, Эрон
ва Ҳиндистон халқлари мадани-
яти ва санъатининг тарихий ри-
вожланиш жараёнидаги турли
ўхшашлик унсурлари мавжуд.
Бу ерда туркий ва шарқий
эрон халқларининг фольклор
маросимлари ҳамда хунарманд-
чилик аънавалари сақланиб қо-
лган. Очиги, хали бу ерда ўр-
ганилмаган, тадқиқ этилмаган
ҳужжатлар жуда кўп.

— Халқимиз байрамлари,
тўй-томошаларни азалдан хуш

учратдим. Фестиваль доираси-
даги турли спорт мусобақала-
ри, миллий халқ ўйинлари,
хўроз, кўкор жанги, дор ўйин-
лари, кураш, кўпқари мусоба-
қалари айниқса менда катта
қизиқиш уйғотди.

— Президентимиз Шавкат
Мирзиёев ташаббуси ва эъти-
бори туфайли «Бойсун баҳори»
халқаро фестивали узоқ йиллик
танаффусдан сўнг ўтган йили
яна қайтадан тикланди, — дей-
ди жиноят ишлари бўйича
Сурхондарё вилоят суди
раиси Ҳамидулла Қудратов.
— Бундай анжуманлар узоқ
ўтмишимизни чуқурроқ издрок
этишга, тарихимизни ўрганиш-
га, ўзгичилишимизни англашга ёр-
дам беради.

Мозий жаҳохири — «Бойсун
баҳори» халқаро фестивали бу
йил ўтган йилдагидан да завқ-
ли ва мароккироқ бўлди. Гер-
мания, Хитой, Италия, Фран-
ция, Қозғистон, Афғонистон,
Тожикистон ва бошқа хорижий
давлатлардан келган меҳмон-
лар, ҳамюртларимиз Швейцар-
иядан келтирилган ҳаво шар-
лари ёрдамида фестивални
самодан кузатиш имконияти-
га эга бўлди. Уч жойга ўрна-
тилган сахнада ўзбекистонлик
ва тожикистонлик таниқли
санъаткорлар, Афғонистон
Ислом Республикасидан таш-
риф буюрган хоҳизлар ишти-
рокида концерт дастурлари
намойиш этилди.

Анжуман якунида голиблар
қимматбаҳо совға ва диплом
билан тақдирланди, полвон-
лар беллашувида сурхонлик
Самижон Убайдуллаев «Ра-
вон» автомашинасини қўлга
киритди.

Тадбир доирасида Термиз
давлат университетига «Бойсун
баҳори» ҳамда «Моддий ва но-
моддий маданият бешиги» мав-
зуда халқаро илмий-амалий
анжуман ўтказилди. Унда Бой-
сун миллий хунармандчилиги,
этнографияси ва археология-
сини ўрганиш, ҳудудда туризм-
ни ривожлантириш билан боғ-
лиқ масалалар муҳокама этил-
ди.

Фестивалда Сурхондарё
вилоят ҳокими Эркин Турдимов
ҳамда Маданият вазири Бахтиёр
Сайфуллаевлар қатнашди.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: АДАБИЁТ — МИНТАҚА ХАЛҚЛАРИ УМУМИЙ ЙЎЛИНИ ЁРИТУВЧИ КУЧ

Дунё ҳикматлар хазинасига тўла уммонга ўхшайди. Бу хазинада олис ўтмишдан, одамлар, мамлакатлар, тузумлар тарихи ва тақдиридан келиб чиқадиган ва бугун учун ҳам ғоят аҳамиятли бўлган сабоқлар жуда кўп. Гап уларни англаш, ўтмиш хатоларини тақрорламасликда. Бунинг учун кўп нарса керак эмас, тарихий тажриба унутилмаса, миллий хотира заифлашмаса, олдинга қараб интилиш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш туйғуси сусаймаса бўлди.

Муттасил ўзгариб бораётган бугунги дунёнинг муҳим ҳусусияти шундаки, эндиликда жаҳоннинг ўта ривожланган, иқтисодий жиҳатдан бақувват, қўлини қайси томонга узатса етadиган давлати ҳам ўз ҳолича, бошқалардан узилган ҳолда, илмий-техникавий, маданий-маърифий ва бошқа алоқаларсиз яшай олмайди. Дунёнинг бугунги мураккаб муаммолари мазмун-моҳиятига кўра кенг қамровли бўлиб, уларни фақат биргаликда, баъаслаҳат, ҳар бир томон манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш мумкин. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дунё ва минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик, дўстлик, қардошлик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги сифат босқичига кўтариш, амалий натижалар билан бойитишга доир сиёсати узоқ-яқин мамлакатларда ғоят ҳушудлик билан қўтиб олинди. Бу сиёсат жаҳон ҳамжамиятига мамлакатимизни янги қиёфада намойиш этди.

Бугун Ўзбекистонда, бизга ёндош мамлакатларда бу янги йўлнинг дастлабки натижалари жамиятнинг ижтимоий ҳаётида, одамларнинг турмуш тарзида яққол кўзга ташланиб турибди. Юртбошимиз қўшни давлатлар раҳбарлари билан имзолаган муҳим битим ва келишувлар, чегаралардаги суний тўсиқларнинг олиб ташланиши, мамлакатимизда ташқи инвесторлар учун ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган ишончли муҳит юзага келиши ўзаро алоқаларга янгича маъно-мазмун бахш этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари ҳамкорлигида шу йилнинг 24-27 апрель кунлари Қирғизистон пойтахти Бишкек ҳамда Ўш шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбек-қирғиз адабиёти — дўстлик адабиёти» мавзусидаги учрашувлар фикримизга далил бўла олади.

Т.Сотилганов номидаги Қирғизистон давлат филармониясининг муҳташам залида ўтказилган тадбирда ижодкор зиёлилар, миллий-маданий марказлар фаоллари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. Делегациямиз аъзолари икки мамлакат ўртасидаги маданий-маърифий алоқалари, адабиёт ва санъат соҳасидаги ижодий ҳамкорликни қўйиштириш борасида Ўзбекистонда амалга оширилётган ишлар, миллий-маданий марказлар фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Мамлакатимиздаги 50 дан ортиқ мактабда таълим қирғиз тилида олиб борилади. «Обод қишлоқ» давлат дастури асосида Жиззах вилоятининг Манас қишлоғи бутунлай қайта қурилди. Президентимиз қарорига биноан буюк ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакат миқёсида кенг нишонлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» доимий экспозициясини фаолият юритмоқда. Уни келгусида адиб ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича илмий-иҷодий марказга айлантириш кўзда тутилган. Нашриётларда улуг адибнинг асарлари қайта-қайта нашр этилаётди. Кино ижодкорлари янги бадий ва ҳужжатли фильмлар яратиш устида ишлашмоқда. Театрларимиз саҳналарида ушбу йилнинг ўзида адиб асарлари асосида 10 дан ортиқ спектакль намойиш этилади. Ижодий ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртра-рида адиб таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-адабий анжуманлар, мусиқий кечалар ўтказилмоқда. Таниқли адабиётшунос олим Зухриддин Исомидинов «Манас» эпосини ўзбек тилига ўғирди. Тўқтағул оқин ижодида бағишланган йирик китоб нашр этилди. «Водинома» журналида икки халқ тарихига оид янги илмий тадқиқотлар мунтазам эълон қилинмоқда. Бу ҳусусидаги маълумотлар кенг жамоатчилик, олимлар, ижодкорлар ва маҳаллий матбуотда жиддий қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистонда менинг асарларим асосида 10 дан ортиқ спектакль намойиш этилганидан фахрланиб юраман, — деди таниқли адиб ва драматург Мар Бойжиев. — Бугун биз Ўзбекистонда

бўлаётган аjoyиб ўзгаришларни, мамлакат дунё кенгликларида янада дадил кириб бораётганини, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган чинакам халқчил сиёсатни ҳавас билан кузатиб бормоқдамиз. Улуғ миллатдошимиз Чингиз Айтматовга бўлган ҳурмат-эътибордан ғоятда мамнунмиз. Бугунги тадбирдан кўриниб турибдики, адабиётлар дўстлиги икки халқ ўртасидаги дўстликни олтин кўприкка, бир улуг йўлга айлантиради.

— Илдизлари бир икки элмиз, урф-одатларимиз, мақсад-муддаоларимиз бир. Шундай экан, бир-биримиздан узоқлаша олмаймиз. Ўзбек дўстларимиз Исикқўлни кўрмаса, Саричелекда бўлмаса, Арслонбобда дам олмаса ёки биз бугун дунё хайрат билан томоша қилаётган, олам-олам завқ олаётган Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга саёҳат қилмасак, ўтмишнинг бу нодир дурдоналаридан баҳраманд бўлмасак, нима деган одам бўламиз, — деди Қирғизистон халқ ассамблеяси раиси Тогон Мамитов.

— Авваллари адабий алоқаларимиз уфқи анча кенг эди, — деди ўз сўзида Қирғизистон ёзувчилари миллий уюшмаси раиси, шоир Акбар Рискўлов. — Ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари қирғиз тилига таржима қилинган. Бу иш Тошкентда ҳам катта маҳорат билан баҳариланган. Қирғиз адабиётининг таниқли вакиллари Тошкентда таълим олишган. Қирғиз тилидаги дастлабки нашрлар шу шаҳарда чоп этилган. Таассуфки, кейинги пайтларда бу алоқаларимиз сусайиб қолди. Чингиз оға Тошкентдаги нутқларидан бирида ёш адабиётчиларга қарата «Бир-бирингиздан узоқлашиб кетманглар, чунки бир-бирингизни ўқимасангиз, борди-келди қилмасангиз, вақти келиб таржимон орқали мулоқот қилишингизга тўғри келади», деб айтган эди. Бугун Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан йўлларимиз очилмоқда, бу йўллар бир-биримизнинг дилимизга, ижод қаламимизга, қалб илҳомимизга етиб боради, ижодимизда янги саҳифалар очади, деган умиддаман. «Шарқ юлдузи» ва «Ала-тоо» журналларининг махсус сонларини ўзбек ва қирғиз адабиёти намуналари асосида чоп этишга келишиб олганимиз бу борадаги дастлабки қадам бўлсин.

Таниқли шифокор, Қирғизистон Қаҳрамони, академик Миталип Мамитов, Ўш шаҳар мэри Айтматов Қадирбоев, А.Осмонов номидаги Қирғизистон Миллий кутубхонаси директори Жилдиз Бақашова, таниқли жамоат арбоблари Қувончбек Жороев, Эсенбек Тогонбаев, Бахтиёр Ваҳобов, Рашидхон Ҳўжаев, Бегижон Аҳмедов, Қирғизистон халқ ёзувчиси Мелис Абакиров, халқ шоири Раис Рискўлов, Ўш давлат педагогика университети ректори Қанибек Исаков ва бошқалар учрашувлар чоғи сўзлаган нутқларида икки мамлакат ўртасидаги чегараларни суний тўсиқлар мажмуасига эмас, дўстлик, ҳамкорлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат-эҳтиром дарвозаларига айлантириш лозимлиги ҳақида гапириб, бу борадаги Ўзбекистон ташаббусини маъқуллади.

Вилоят губернаторлиги, Ўш шаҳар меъриясиди қабул маросимларида Ўзбек-қирғиз ҳамкорлик алоқаларининг қайта йўлга қўйилаётгани одамларни бир-бирига яқинлаштириш билан бирга, Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари томонидан олиб борилаётган янги сиёсат яқин истиқболда янада кенгайишига, икки эл турмуш тарзида, фикри-зикрида муҳим ўзгаришлар юз беришига қатъий ишонч туйғусини уйғотмоқда. Ўш давлат педагогика университети ва шаҳар марказидаги ўрта мактабда ўтказилган тадбирларда иштирок этган ижодкор зиёлилар, олим ва санъаткорлар бунди алоҳида эътироф этди. Тўрт кунлик сафар давомида, айниқса, Чингиз Айтматов уй-музейида ўтказилган сермазмун суҳбатда «Адабиёт миллатни юксак инсоний фазилатлар даражасида, миллатлараро муносабатларни баланд мақомда ушлаб турувчи, минтақа халқларининг умумий келажақ йўлини ёритувчи кучдир», деган фикр устуворлик қилди.

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ,
Тошкент — Бишкек — Ўш.
ЎзА.



Савар ШОҲИДАНОВ олган сурат.

«ИСТЕЪДОДЛАР ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ»

— Нуралини биринчи курслигидан биламан. У маслаҳат сўрашдан, изланишдан тўхтамайди, билимга чанқоқ ўқувчи. Тарбияси, одоби, ички дунёси ғўзал, шунинг учун ҳам чизган расмларида самимийлик бор, — дейди ёш рассомнинг устози, Бенков номидаги Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси Хурсаной Иноғомова.

— Расм чизишга болагимдан қизиқаман, — дейди Нурали Нейматов. — Шунинг учун ота-онам Тошкент шаҳридаги 30-сонли мусиқа ва санъат мактабига ўқишга беришган. У ерда менга Неля Изгереева устозлик қилди. Кўплаб танловларда иштирок этдим. 9-синфда ўқиганимда Германия ва Ўзбекистон ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро танловда «Ёввойи табиат» мавзусига доир ишларим билан қатнашиб,

2-ўринни кўлга киритдим. Шунингдек, мусиқа ва санъат мактаблари ўртасидаги мусобақанинг Республика босқичида графика йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаганман. 2015 йил Бенков номидаги Республика рассомлик коллежига ўқишга кирдим. Ҳозир 3-курсда ўқийман.

Ўзбекистон Бадий академиясида яқинда бўлиб ўтган тасвирий ва амалий санъат фестивалида графика йўналишида

иштирок этиб, олтин медални кўлга киритдим. Халқаро санъат фестивали иштирокчиларининг ёши чегараланмаган бўлиб, унда хорижий рассомлар ҳам қатнашди.

— Ҳар бир болада тўғма қобилият бўлади. Буни кимдир англайди, кимдир англамайди, — дейди Хурсаной Иноғомова. — Аллоҳ бандасининг қалбига санъат уруғини қадаган бўлса, у вақти соати етиб, кўртаси отиб юзага чиқади. Боғбонлар бўлмиш ота-она ва устоз яхши эътибор берса бир кун келиб, гулга кирди, барг ёзади. Фарзандини иқтидорини вақтида сезиб тўғри йўлга йўналтиришгани учун

Нуралининг ота-онасига раҳмат айтмоқчиман.

Нуралига 3-курсдан бошлаб таълим бера бошладим. Шогирдларим сўнгги 4 ойда турли танловларда 27 диплом, 1 олтин медални кўлга киритишди. 2 грант ютишди. Бугунги кунда Нурали «Алпомиш» асари устида иш олиб борапти. Санъат ҳафталигида ҳам «Алпомиш»дан парча тақдим қилди. Бир сўз билан айтганда, истеъдодлар осмондан тушмайди. Улар сизу бизнинг эътиборимизга, ғамхўрлигимизга, меҳримизга муҳтож.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЯШАЁТГАН СИЙМОЛАР

Бугун Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърини билмайдиган ўзбекни, уни китоби кириб бормаган хонадонни, қўшиқлари янграмаган даврани топиш қийин.

ЎЗИНГ МЕНИ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ...

Шоир ўзининг қисқа умри давомида бетакрор шеърлар битди. Миллионлаб муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Бир сўз билан айтганда, бутун ҳаётини адабиётга бағишлади. Унинг халқчил сатрлари миллат овозига айланди. Катта байрамларда халқимиз шоир шеърлари ила айтиладиган қўшиқларни баралла, биргаликда, ҳамжиҳатликда қуйлашга кўп бора гувоҳ бўлганмиз. У тирикчилигидеҳ ўзига ҳайкал қўйган халқимиз қалбидан ўрин олиш бахтига муяссар бўлган ижодкор эди.

Муҳаммад Юсуф истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ёш авлодда ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш, фарзандларимизни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий мафкура ва маънавият тамойилларини синдириш борасида улкан ишларни амалга оширди.

Шоир ватанини, шунчалик севдики, эъзозладики, қадрладики, қуйладики бу борада унга тенг келишининг имкони йўқ, албатта. Она Ўзбекистонни чин дилдан яхши кўрмасдан, бундай ўтги, таъсирчан шеърларни ёзиб бўлмайди.

Мен ўқувчиларимга Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди ҳақида дарс ўтар эканман, унинг шеърларини биргаликда таҳлил

қиламиз. Ёд оламиз. Ёшлар шоир китобларини шу қадар севиб ўқишадик, бундан қалбим фахр-ифтихорга тўлади.

Муҳаммад Юсуф шеърларини шунчаки айтиб бўлмайди. Улар шоирнинг юрак қони билан ёзилганлиги учун ҳам, уни юракдан, ҳайқириб айтмоқ керак.

Шоирнинг ўзи ҳам, ижоди ҳам барҳаёт. Пойтахтимиздаги Адиблар хибонида ўрнатилган ҳайкал, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Андижонда очилган Муҳаммад Юсуф мактаб-интернати фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ватан, меҳр-муҳаббат, инсонийлик, ишонч ва садоқат куйчиси Муҳаммад Юсуф ижоди халқимиз қалбидеҳ абадий яшайди.

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим ҳоқон,
Ўзинг султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топпинг қошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...

Лола ТУРДИҚУЛОВА,
Тошкент солиқ коллежи
катта ўқитувчиси.

«ҒАЛАБА — БАРЧА УЧУН БИТТА»



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги муносабати билан Россия Федерациясининг Нижневартоск шаҳридан йўлга чиққан «Ғалаба — барча учун битта» («Победа — одна на всех») автокарвони иштирокчилари Самарқанд шаҳрида меҳмон бўлди.

Россия Федерациясининг Ханти-Мансийск автоном округи думаси қошидаги Ёшлар парламенти томонидан ташкил этилган мазкур тадбир иштирокчилари 1946-1958 йилларда ишлаб чиқарилган ГАЗ-М-20 «Победа» автомобилларида Россия, Қозғистон, Қирғизистон давлатлари шаҳар ва қишлоқларидан ўтиб, юртимизга кириб келди.

Автокарвон қатнашчилари дастлаб Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилди. Шундан сўнг шаҳардаги Хитра майдонида Мотамсаро она ҳайкали пайида гул қўйилиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган инсонлар ёд этилди. Россиялик меҳмонлар ушбу масканда самарқандлик уруш вақиллари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Самарқандлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Е.Солдатов ҳамда М.Колмогоров фронтда бошдан кечирган воқеа-ҳодисалар, урушдан кейинги йиллардаги фаолиятлари ҳақида сўзлаб

берди. Ёшларни бугунги тинч-осойишта кунларининг қадрига етиб яшашга, тинчликни асраб-авайлашга қорлади.

— Автокарвон Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган инсонларни ёд этиш, бугун ҳаёт бўлган фахрийлар жасоратини эслаш, уларни улуғлаш мақсадида ташкил этилди, — дейди автокарвон техник раҳбари Игорь Илик. — Инсоният тарихидаги энг кўп қурбонлар берилган ушбу урушда Ўзбекистондан ҳам 1,5 миллиондан ортиқ киши қатнашган ва буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган. Автокарвон ана шу умумий ғалабанинг 73 йиллигини нишонлаш мақсадида ташкил этилди. Сафар давомидаги тадбирлар, учрашувлар ҳақида ҳужжатли фильм яратиш ниятимиз бор.

Меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий обидалар билан ҳам яқиндан танишди.

Автокарвон иштирокчилари 1 май кун Тошкентдан Россия томон йўлга чиқади.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА муҳбири.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va 'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538. 11339 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:30.

Topshirilgan vaqti — 02:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusolim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



7720107433008

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

2 3 4 5 6